

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 887-ҳадис

887/1871 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أُمِرْتُ بِفَرِيَّةٍ تَأْكُلُ الْفَرَسَ، يُقُولُونَ: يَثْرِبُ، وَهِيَ الْمَدِينَةُ، تَنْفِي النَّاسَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ حَبَثَ الْحَدِيدِ».

887.1871. Абу Ҳурайра розияллоху анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Шаҳарларни ейдиган*** (яъни мағлуб қиладиган) **шаҳарда бўлишга буюрилдим. Уни Ясриб дейдилар. У Мадинадир. У (ёмон) одамларни худди босқон темирнинг кирини чиқариб ташлагани каби чиқариб ташлайди»,** дедилар».

Изоҳ: Мадинаи Мунаввара Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ва хулафои рошидинларнинг даврларида Ислом давлатининг маркази бўлгани, шаҳар-қишлоқлар бирин-кетин унга қарам бўлгани сабабли у «шаҳарларни ейдиган шаҳар» деб васф қилинган.

* «Ясриб» сўзи фасод, бузғунчилик деган маъноларни англатади. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам буни хуш кўрмай, шаҳарни Мадина деб номлаганлар. У аслида «истиқомат қилмоқ», «миннатдор бўлмоқ» мазмунларини англатувчи сўздан ясалган бўлиб, истеъмолда «шаҳар» деган маънода ишлатилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

